



## “Involta” Ilmiy Jurnalni

Vebsayt: <https://involta.uz/>

### XX АСР 30-40 ЙИЛЛАРИДА ГЕРМАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Артиқов Худоёр

УрДУ Тарих кафедраси катта ўқитувчиси

Нурметов Сардор Бахтиёрович

УрДУ 2-босқич магистранти

**Аннотация:** Мақолада Европа марказида Германия империясининг вужудга келиши, унинг ташқи сиёсати тарихи таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** В.Бисмарк, Дауэс, Юнг, Гитлер, Даладье, Чемберлен, Бенеш, Германия, Дания, Англия, Франция, Версал, Мюнхен, Рейх, фашизм.

**Аннотация:** В статье анализируется история возникновения Германской империи в Европе и её проводимые политика в международном отношении.

**Ключевые слова:** В. Бисмарк, Дауэс, Юнг, Гитлер, Даладье, Чемберлен, Бенеш, Германия, Дания, Англия, Франция, Версал, Мюнхен, Рейх, Фашизм.

**Annotation:** The article analyzes the history of the emergence of the German empire in the middle territory of Western Europe and it's ongoing policy in international relations.

**Key words:** V.Bismarck, Dawes, Jung, Hitler, Daladje, Chamberlain, Benesh, Western Europe, Germany, Denmark, England, France, Versailles, Munich, Reich, Fascism.

### **Кириш**

XIX асрнинг 70-йиллари бошларида Ғарбий Европа аҳолиси тарихида юз берган тарихий жараёнлари билан муҳим давр сифатида жаҳон тарихидан ўрин олган. Айнан ушбу тарихий санада Европа ўрта қисмида майда-майда тарқоқ князликлар ҳудудий жиҳатидан бирлаштирилиши муносабати билан Германия номи билан марказлашган давлат тарихий-сиёсий майдонга чиқиши бўлди. Албатта, тарқоқ ҳудудларнинг бирлаштирилиши натижасида марказлашган давлатнинг вужудга келиши тарих фанида аҳамият касб этган жараён ҳисобланади. Лекин XX асрнинг 30-йиллар ўрталаридан бошлаб, нафақат Европада, балки жаҳон миқёсида ҳукмрон бўлиш, немис халқини “орий ирк” сифатида бошқариш мақсадида Германияда фашизм ғояси устунлик қила бошлаган. Бу эса, ўз навбатида халқлари уруш гирдобига қолиб кетганлиги маълум. Мазкур мақоланинг асосий мазмунини Германия давлатининг ташқи сиёсати мазмун ва моҳиятини ёритишдир.

Тадқиқот методологияси: Қуйидаги услублар назарий манба бўлди:

- илмий объектив баҳо бериш, тарихий изчиллик, маълумотлар таҳлили умумлаштириш, ватанпарварлик ғояларини шакллантириш.

Натижа ва мулоҳазалар.

Фашистлар Германиянинг дунёга ҳукмрон бўлиш ғоясини амалга оширган ташқи сиёсат натижаси ғарбий Европа халқлари асрлар давомида яшаб келган ҳудудни уруш майдонига олиб келганлиги асосий натижасидир. Европа марказида тарқоқ майда давлатларнинг бирлашиши муносабати билан тарих саҳифасидан ўрин олган Германиянинг XXаср 30-40 йилларида олиб борган ташқи сиёсати натижаси ҳақида мулоҳазалар қайд қилинди.

Хулосада эса XX аср 30-йил ўрталарида – 40-йиллар ўрталарида Германияда ҳокимият тепасига келган фашистларнинг Европа майдонида олиб борган ташқи сиёсати натижалари хулоса қилинади.

XIX аср 70-йиллари бошларида Ғарбий Европа ўрта ҳудудида кечган тарихий воқеалар минг-минглаб йиллар мобайнида географик муҳит, табиий шароит ва мавжуд бўлган табиий бойликларидан кундалик ҳаётларида унумли фойдаланган халқлар тақдирида чуқур из қолдирганлигини эслаш жоиз. XIX аср 60-йиллар ўрталаридан эътиборан Герман князликларидан Пруссия раҳбари В.Бисмарк ташаббуси билан географик ҳудудни қўшни давлатлар ҳисобига кенгайтириш сиёсатини олиб бориш мақсадида Дания (1864), Австрия (1866) ва Франция (1870-1871) каби давлатлар билан уруш ҳаракатларини олиб бориши муносабати билан Германия (1871-й) империяси вужудга келиши муносабати билан Ғарбий Европа харитаси географик ҳолатини ўзгартириб юборган. Германия империяси ҳукмдорлари иккинчи Рейх деган номни эълон қилдилар (биринчи империя тарихий ном Муқаддас Рим империяси билан боғлиқ) [1. 1953 – с. 414].

Германия Франция билан олиб борган уруш натижаларига кўра Эльзас, Лотарингия ва Саар ҳудудларини ўз таркибига қўшиб олган. Бу эса Германиянинг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатидан тез суръатлар билан ривожланишига имкон яратган. XIX аср охири – XX аср бошларида Германия иқтисодий жиҳатдан ривожланишда Англиядан олдинга чиқиб олишга муваффақ бўлган. XIX аср 70-йилларида иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан юксалган Англия, Франция, Италия давлатлари Африка ва Осиёда янги ҳудудларни босиб олган эди. Германия ўз улушига эга бўлиш мақсадида Европада ҳарбий майдонга чиқишга журъат этган. Шу мақсадда 1879-йилда Германия-Австрия-Венгрия давлатлари иштирокида ҳарбий шаклланган иттифоқ вужудга келди. Ҳарбий иттифоқнинг вазифаси жаҳон ҳудудларини қайтадан тақсимлаш мақсадида урушга тайёргарликни бошлаб юборган.

Тарихий адабиётларда қайд қилинган маълумотларга кўра, 1924-йилдан бошлаб Англия ва АҚШ давлатлари Германияни қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб бордилар. Мазкур ҳарбий бирлашмага қарши Англия, Франция ва Россия (1907-й) иттифоқи вужудга келди. Шу муносабат билан Европа майдонида бир-бирига қарши икки ҳарбий иттифоқ ҳарбий кескинликка тайёргарлик кўриш сиёсатини олиб борганлар. Икки ҳарбий иттифоқ иштирокчилари ўртасида 1914-1918-йиллар Ғарбий Европани ларзага келтирган Биринчи жаҳон уруши натижаси Германия-Австро-Венгрия фойдасига ҳал бўлмаган. Биринчи жаҳон уруши ғолиб давлатлари Англия, Франция ҳукмрон доиралари Версал сулҳ шартномасида Германия томонидан белгилаб қўйилган божни ҳисоб-китоб қилишда ёрдам бериб, Россияга қарши уруш олиб боришини мақсад қилганлар. Германиянинг тўланадиган бож миқдори Дауэс режаси бўйича (Америка банкири) 1924- йилда ғолиб давлатларнинг Лондон конференциясида Германия иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш режасини ишлаб чиққанини эълон қилган. Бундай иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Локарно конференциясида Юнг (Америка банкири) режасида давом эттирилади.

Англия, АҚШ монополист-банкирлари томонидан Германияни бож тўлашдан босқичма-босқич камайтириши натижасида иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан юксалган давлат сифатида дунёга ҳукмрон бўлиш сиёсати устунлик даражасига этган эди. Албатта, Версал сулҳ шартномасига кўра Эльзас, Лотарингия ва Саар вилоятлари Францияга, Мальмеди ва Эйпен Бельгияга, Познан ва Ғарбий Пруссия ҳудудлари Польшага берилган. Данциг шаҳри (Гданьск) эркин шаҳар сифатида қайд қилинган. Шу билан бирга, Германия Австрияни мустақил давлат сифатида тан олиши, Рейн дарёси ўнг ва сўл соҳилига уланган кенглиги 50 км ҳудуд қуроллардан холи ҳудуд деб эълон қилинган. Германия қуруқликдаги қўшини 100 мингдан ошмаслиги, денгиз кемалари ғолиб давлатларга берилиши шарт қилиб қўйилган.

Империалистик давлатлар Англия, Франция ва АҚШ ёрдами ҳамда Германия монополистлари кўллаб-қувватлашлари натижасида фашистик ташкилот (миллий-социалистик) раҳбари А.Гитлер Германияни бошқаришни кўлга олгандан кейин очикдан-очик дунёни эгаллаш ташқи сиёсатда биринчи ўринга чиққан эди. 1933-йилдан миллий-социалистик ташкилот раҳбари Гитлер (асосий фамилияси Шикльгруббер, 1889-1945-йй.) Германияда рейхс-канцлер лавозимини эгаллаб, иккинчи жаҳон урушини олиб бориб, Европа тарихида ҳарбий жинойтчи сифатида тарих саҳифасидан ўрин олган. Гитлер Германия географик ҳудудини кенгайтириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида Мюнхен (1938-й, 29-30-сентябр) битими ташаббускори бўлди. Мюнхен кенгашида Германиядан Гитлер, Франциядан Э.Даладье, Англиядан Н.Чемберлен, Италиядан Б.Муссолини, Чехословакия таркибидаги Судет вилояти Германияга берилган (аҳолиси немислардан иборат).[2. 1964 – с. 69].

1936-1939-йилларда Германия Европада эркин ҳарбий ҳаракатларни олиб бориши натижасида Испаниянинг шимолий ҳудудларини босиб олишга муваффақ бўлди. **Шу тариқа** Испания Республикаси фаолияти якун топди. 1936-йилда Германия-Япония ҳарбий иттифоқи ташкил этилди, унга 1937-йилда Италия қўшилди. **Шу тариқа** Германия-Италия-Япония Учлар ҳарбий иттифоқи ташкил топди. 1938-йилда Германия Австрияни ҳисобига **кўчиб олинган**. Германия ташаббуси билан 1939-йил 19-21-августда Совет Иттифоқи билан савдо алоқалари ҳамда ҳужум қилмаслик тўғрисида 10 йилга мўлжалланган шартнома имзоланди [3. 1975. С. 50-69. 4. 2005. Б. 371-373. 5. 2009. Б. 167-172]. Германия фашизмидаги ҳудуд географиясини кенгайтириш мақсадида 1939-йил 1-сентябрда Польшага ҳужум ҳаракатларини бошлаган. Англия ва Франция давлатларининг Польша билан тузилган шартномасига биноан 1939-йил 3-сентябрда Германияга қарши ҳарбий ҳаракатда эканлигини эълон қилди. **Шу тариқа** Иккинчи жаҳон уруши Европа ўрта қисмида бошланиб кетди.

Франция, Англия ҳукумат доиралари ҳарбий кўшин қўмондонларига Германияга қарши ҳарбий ҳаракатларни олиб бормаслик тўғрисида кўрсатма берганлиги боис, умуман ҳарбий кўшин қуролиларидан ўқ товуши эшитилмаган. **Шу тариқа** Ғарбий Европада Германияга қарши олиб борилган сиёсат “ғалати уруш” номи билан тарих саҳифасидан ўрин олган [6. 2019. Б. 5-8]. 1939-йил мобайнида Германия – Польша fronti ҳарбий ҳаракатлар майдони бўлган. 1940-йилда Германия, Дания, Норвегия, Люксембург, Бельгия, Голландия ва Франция босиб олинган.

**Шу тариқа** юқорида қайд қилинган маълумотлар қуйидаги якуний ҳулосага келишга имкон яратди:

- XIX аср 70-йил бошларида Ғарбий Европа ўрта қисмида мустақил марказлашган Германия империяси ҳудудини намоён қилган картографияси вужудга келди;

- Франция билан олиб борган урушда ғалаба қозонган Германия табиий бойликларга эга бўлган ҳудудлардан унумли фойдаланиб, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олди;

- Иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан юксалган Германия дунёни қайтадан тақсимлаш, ўз улушига эга бўлиш мақсадида олиб борган ташқи сиёсати Биринчи жаҳон урушига сабабчи бўлди;

- Империалистик давлатлар Англия ва АҚШнинг Германияни иқтисодий тиклашга ҳар томонлама ёрдам бериши Европа ўрта қисмида яна уруш ўчоғини вужудга келишига замин бўлди.

- Мюнхен кенгашини қўллаб-қувватлаган Англия, Франция ва Италия давлатларининг Чехословакиянинг Судет вилоятини Германияга бериш тўғрисидаги таклифи Германия фашизмнинг Европада очикдан-очик босқинчилик ҳаракатларига кенг йўл очиб берилишига олиб келди.

- Гитлер Мюнхен кенгаши натижаларидан руҳланиб Польшага қарши кўшни ҳудудларни босиб олиб борган ҳарбий ҳаракати Иккинчи жаҳон

урушига олиб келди, унинг натижалари эса босиб олинган ҳудудларнинг иқтисодий ва ҳарбий саноати Германия манфаатларига хизмат қилган.

Германия 1939-йилда Собик Иттифоқ билан ўзаро савдо алоқалари ва бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома имзолади ва шу йили 1-сентябрда Германия Польшага ҳужум қилиши билан Иккинчи жаҳон уруши ташкилотчиси сифатида тарих саҳифасидан ўрин олди.

1930-йил ўрталари – 1940-йилларда марказий Европа ҳудудларини камраб олган халқаро муносабатлар ҳарбий манзарасини Германия фашизми ташқи сиёсати натижалари тасвир қилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Энциклопедический словарь – М, Государственное научное издательство большая советская энциклопедия. 1953. Том 1.

2. Энциклопедический словарь – М, Большая советская энциклопедия. 1964. Том 2. с 509.

3. Вклад трудящихся Узбекистана в победе в Великой отечественной войне. – Ташкент 1975. – с. 50-69.

4. Ўзбекистон тарихи / мух. Р.Н Муртазаева. – Т. 2005. - б 371-373.

5. Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи (ўқув қўлланма). – Т. Тафаккур- 2009 б. 167-172.

6. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й) – Ўзбекистон НМИУ. 2019 – б. 5-8.

Интернет. История мира - 6 март 2022.